

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2008 йил, 14 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 29 (11.090)

Баҳос эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

• **БУГУН** Учтала туманидаги 123-мактабда ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида ўтказилган адабий кеча мутафаккир шоир Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 161, 55, 230-мактаблар ўқувчилари, ўқитувчилари иштирокида Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллуд кунига бағишлаб ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури «Юрт кезган шоир» деб номланди.

• **ЎТГАН** кун Тошкент Давлат юридик институтининг ўқувчилари илмий-назарий конференция «Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари» деб номланди.

• **КЕЧА** Тошкент Молия институти талабалар турар жойида «Ўзбекистон — Ватаним» мавзусида шоир ва ёзувчиларнинг талабалар билан учрашуви уюштирилди.

• **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликларида «Олимпиадаларнинг фан-техника тараққиётида тугган ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

• **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Абу Райхон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университетида қарашли талабалар турар жойларида «Аждодларимиз меросига ҳурмат» мавзусида уюштирилган адабий кечаларда талабалар, ўқитувчилар, шоир ва ёзувчилар иштирок этишди.

• **ЎТГАН** кун Тошкент Давлат техника университетида ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш масалаларига бағишлаб талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир Собир Раҳимов туман ИИБ ҳамкорлигида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

13 ФЕВРАЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақдим этган кун тартибининг тасдиқлашлар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2007 йилдаги фаолиятига доир ҳисобот билан С.Рашидова сўзга чиқди. Ушбу масала муҳокама қилиниши вақтида сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари қатнашдилар. Омбудсман ўтган йили ўз фаолиятини мамлакат фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида туپланган тажрибадан, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишнинг шакллари ҳамда механизмларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган таъкидланди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш жараёнида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили нафақат фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, балки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишга ҳам кўмаклашди.

Ўтган йилда Омбудсман томонидан 8611 та мурожаат кўриб чиқилди, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларига, қонунли манфаатларини ҳимоя қилишга доир масалалар бўйича юридик масlahатлар ва тушунтиришлар берилди. Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти таъжиротлиги бўлиб ўтган муҳокама чоғида маъруза қилди. Қонунчилик палатаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ҳисоботи ни маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилди.

Мажлисида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг аъзоси С.Махмудов «Қимматли қўғоғал бозори тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ушбу масала бўйича савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган муҳокама чоғида мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакат молия тизимини янада ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Депутатлар Қонунни қабул қилдилар, ушбу ҳужжат маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

«Божхона имтиёзларининг

МАМЛАКАТИМИЗДА 1996
ЙИЛДАН БОШЛАБ, ҲАР ЙИЛИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТАШАББУС»
СОВРИНИ УЧУН ТАДБИРКОРЛАР,
ФЕРМЕРЛАР, ХУНАРМАНДАР ВА
ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БОШҚА
СУБЪЕКТЛАР ЎРТАСИДА КЎРИК-
ТАНЛОВ ЎТКАЗИБ
КЕЛИНМОҚДА. ЯҚИНДА
НАВБАТДАГИ «ТАШАББУС —
2008» КЎРИК-ТАНЛОВИ
БОШЛАНДИ. ТАДБИР
ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ИҚТИСОДИЁТ
СОҲАСИДА КАМИДА УЧ ЙИЛДАН
БУЁН ФАОЛИЯТ ЮРТАЁТГАН
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
ЎРТАСИДА АНЪАНАВИЙ
ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШГА
ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ
НИҲОЯСИГА ЕТКАЗМОҚДА.

Танлов ташкилий кўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов ўша муҳбири билан суҳбатда мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ушбу танлов тадбиркорлигини рағбатлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, илғор тажрибани оммалаштириш, соҳа вакилларининг билим ва касб маҳоратини оширишга қаратилганини таъкидлади. Кўрик-танлов ташкил этилган дастлабки йилдан бошлаб миллий тадбиркорлиқнинг илғор тажриба ва ютуқларини эътироф этиш борасида самарали механизмга айланган. Оммавий ахборот воситаларининг танловни кенг ёритиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, хорижий сармояларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган ҳамда экспорт боп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Танлов иштирокчилари сони йил сайин кўпайиб, ҳуқуқий саводхонлиги ҳам ошмоқда, танловга кўпроқ ёшлар жалб қилинаётгани тадбиркорлиқнинг обрўси ортаётигандан далолатдор.

Юртбошимиз томонидан иқтисодиётни ривожлантириш борасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини кўпайтиришга доир устувор йўналишлар белгиланган. Мазкур кўрик-танлов ҳам ушбу мақсадга эришишда катта ёрдам бермоқда.

«Ташаббус — 2008» жорий йилнинг февраль-март ойларида «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарман» йўналишлари, шунингдек, танловнинг янги



«ТАШАББУС — 2008»:

СОВРИНЛАР ФОЛИБЛАРНИ КУТМОҚДА

қридаларида белгиланган «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши ёш тадбиркор», «Ижтимоий кўллаб-қувватлаш соҳасида энг фаол тадбиркор», «Энг яхши молия муассасаси», «Якка тартибда фаолият кўрсатётган энг яхши тадбиркор» ва «Миллий бренд» каби махсус номинациялар бўйича ўтказилди.

Бу йилги кўрик-танловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатларидан яна бири шун

микдордаги маблаг қайд этилган пластик картчалар, компьютерлар, техника воситалари ва бошқа муқофотлар топширилади.

Таъкидлаш жоизки, совриндорлар кўлга қиритган голиблик унвонидан келгусида ўз ҳужжатлари ва реклама материалларидан фойдаланиши мумкин. Улар ўз йўналиши бўйича халқаро танловлар, ярмаркалар, семинарларда иштирок этиш, чет элда малага ошириш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

«Миллий бренд» янги махсус номинациясининг жорий этилиши эса бу йилги «Ташаббус — 2008» танловининг яна бир ўзига хос жиҳатларидандир. Бугунги кунда Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифати халқаро стандартларга мослиги бўйича эътироф этилаётган компаниялар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида маҳсулот рақобатбар

дошлигини кучайтириш ҳамда унинг сифатини юксалтириш борасида улкан ишларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди. Бу эса Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасини оширишнинг муҳим омил ҳисобланади. Танлов ташкилотчилари ушбу тадбирлар нафақат Ўзбекистоннинг ички бозори, балки хориждаги ташқи бозорда ҳам обрў қозонишга қодир янги компаниялар ва маҳсулотлар пайдо бўлишига хизмат қилишига қатъий ишонади.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

ни яратиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг аъзоси Б.Соатов «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ушбу ҳужжат концепциясининг муҳокамаси вақтида депутатлар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали воситасига айланиши кераклигини таъкидладилар. Бунда мажбурий суғурта иштирокчиларини, шунингдек, суғурта ҳолатлари бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва шартларини аниқ белгиланган қўйиш зарурлигига эътибор қаратилди. Келиб тушган мулоҳазалар ва тақлифларни ҳисобга олиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллаб ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари С.Жабборов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Қонун лойиҳаси ҳар бир нормасининг барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган батафсил муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Қўғоғал хизмати ва қўғоғал рувчи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Мудлоф ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси Ф.Хотамов маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокама чоғида мамлакат қўғоғал хизмати фаолиятининг пухта ҳуқуқий базаси

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 2008 ЙИЛ 13
ФЕВРАЛЬ КУНИ «ОПЕКНИНГ ХАЛҚАРО
РИВОЖЛАНИШ ЖАМГАРМАСИ ВА САУДИЯ
РИВОЖЛАНИШ ЖАМГАРМАСИ
ИШТИРОКИДА «ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ ҚЎРИШ ВА УЛАРНИ
ЖИҲОЗЛАШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА
ОШИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРНИ ИМЗОЛАДИ.
МАЗКУР ЛОЙИҲАДА МАМЛАКАТИМИЗДА
7900 УҚУМТАЪЛИМ МЎЛЖАЛАНГАН 25 ДАН
ЗИЁД УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҚЎРИШ ВА
УЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШНИ МОЛИЯЛАШ
КЎЗДА ТУТИЛГАН.


МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ОПЕК жамғармасининг 5 миллион АҚШ доллари ва Саудия ривожланиш жамғармасининг 16 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли фойз ставкаси билан 25 йил муддатга бериладиган имтиёзли кредитлари Араб миллий ва минтақавий ривожланиш институтлари мувофиқлаштириш гуруҳи (Араб мувофиқлаштириш гуруҳи) билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон Республикаси ва ислом донор-мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдор. Ислам ривожланиш банки, ОПЕК жамғармаси, Саудия ривожланиш жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси, Абу-Даби жамғармаси ва бошқа қатор молия институтлари ушбу Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари ҳисобланади.

2007 йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида ўтган қўшма мажлисда қилинган Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари билан ҳамкорлик дастурида соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт тизимларини ва коммунал соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бошқа устувор соҳаларда умумий қиймати қарийб 800 миллион АҚШ доллари миқдорда сармоя жалб қилинадиган 17 устувор инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

(ЎЗА)

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партияси ва Адолат социал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

• Бухоро Давлат университети ташаббуси билан «Ёшлар — бугунги ва эртанги кунимиз» мавзусида бўлиб ўтган анжуман ёшларнинг ҳуқуқ ва қизиқишларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланди. Тадбир сўнггида олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан бир гуруҳи «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

• Тошкентдаги «Истиклол» маҳалласида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини кўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда «Elnajot» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамкорлигида тузилган «Қайноналар мактаби» лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди.

• Қашқадарёда тадбиркор хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва фаоллигини оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда ишбилармон хотин-қизлар фаолияти, уларга яратилаётган имкониятлар, имтиёзли кредитларнинг берилиши, иқтисодий салоҳиятнинг юксалишида уларнинг тугган ўрни масалалари атрофича муҳокама қилинди.

• Ғузур туманида янги автоматик газ тақсимлаш станцияси ишга туширилди. У юқори босимли «Шўртан-Шахрисабз» магистрал газ ўтказгичи орқали бир кеча-кундузда ўрта босимли 20 минг куб метр қўшимча газни Тугал, Мартепа, Бойғузар, Галча, Чақар, Қоронғузгар, Чақар-1 ва 2, Эски бөг, Ёшлик, Жарариқ ва Гулшан қишлоқларига етказиб беради.

• Ёшлар йилида қонли спортчиларга ўзига хос соғва ҳозирланди. Бу ерда янги Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг очилиш маросими ўтказилди. Спорт мажмуасининг умумий майдони 3 минг квадрат метр атрофида бўлиб, ундан футбол майдони, чимли футбол майдони, тўртта теннис корти, баскетбол ва волейбол майдончалари ўрин олган.

• Марғилон шаҳрида «Қамолот» ЁИХ шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» янги бинода иш бошлади. Бу ерда замонавий касб-хунар турлари ёшларга бепул ўргатилади. Марказнинг инглиз тили, компьютер саводхонлиги, биринчи тиббий ёрдам, ҳуқуқий маслаҳатхона, бичиш-тиқиш каби тўғарақларига 124 нафар йигит-қиз қабул қилинди.

ЖАҲОНДА

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг бугунги йиғилишида Косоводаги вазиятни муҳокама қилди. Косово оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, ушбу ўлка ўз мустақиллигини 17 ёки 18 февралда эълон қилади. Расмий Белград эса бунга ҳар томонлама қарши.

• АҚШнинг Виржиния, Вашингтон ва Мэриленд штатларида ўтказилган Праймеризларда демократик партиядан президентликка номзод Барак Обама ишончли ғалабани кўлга қиритди ва илк бор делегатлар сони бўйича Хиллари Клинтондан ўзиб кетди. Республикачилар вакили Жон Маккейн эса юқоридаги штатларда зафар қўчиб Майк Хаккаби билан курашда ўз етакчилигини мустаҳкамлади.

• Грузия муҳолифатининг етакчиларидан бири, йирик бизнесмен 52 ёшли Бадри Патараквишвили кеча ўзининг Лондондаги уйида вафот этди. Дастлабки таҳқиқат кўра унинг ўлимига юрак хуружи сабаб бўлган. Мамлакат полицияси ўлим сабабларини аниқлаш ишини Шотланд-Ярднинг ўта муҳим жиноятларни текшириш бўлимига топширди.

• Малайзия Бош вазири Абдулла Аҳмад Бадавий ҳеч қандай изоҳ бермагани ҳолда мамлакат парламентини тарқатиб юборди. Таъкидлаш керакки, Малайзияда умумхалқ сайлови 2009 йилда ўтказилиши керак эди. Яқин кунлар ичида мамлакат Марказий сайлов комиссияси парламент сайлови кунини эълон қилади.

• Австралия Бош вазири Кевин Радд мамлакат ҳукумати ва парламенти номидан ўтган асрда 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этган резервацияларга жўнатиш, оила-ларни болалардан ажратиб борасидаги сиёсат учун туб аҳолидан расман кечирим сўради.

• Хитойнинг Гуйчжоу музофотидаги Чишуй ва Цзуну шаҳарларини боғлаб турувчи довонда автобуснинг дарёга тушиб кетиши натижасида 33 нафар йўловчидан 19 таси ҳалок бўлди. Ҳозирда фалокат жойида қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

• Баҳарининг йирик «Gulf Finance House Е.С.» сармоя банки Ливия ҳукумати билан қиймати 3,8 миллиард долларга тенг улкан «Бизнес бөг» барпо этиш ҳақида шартнома-ни имзолади. Энергетикалар шаҳри деб номланувчи бу ҳудуд 214 гектардан иборат бўлиб, у Триполи шаҳридан 70 километр узоқликда бунёд этилади.

• Грецияда пенсия ислохотларига қарши бошланган оммавий норозилик намойишлари давом этмоқда. Кечаги 24 соатлик намойиш Грециянинг иккита йирик қасба уюшмаси томонидан уюштирилган бўлиб, унга жамоат транспорти хизматчилари ҳам қўшилди.

— Шомурот Шоходиевич, суҳбатимизни уюшма томонидан ўтган йили амалга оширилган ишлар, жорий этилган янгиланган бошласек.

— Тошкент шаҳрида йўловчи ташуш транспортини ташуш этиш тизимини тақомиллаштириш бўйича 2006 йилда қабул қилинган директив ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан 2007 йилда йўловчи ташуш транспортини хизмати сифатини ошириш, ҳаракат таркибларини янгиллаш, даромадларини ошириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий сарф-ҳарajatларни қамайтиришга қаратилган бир қанча ишлар олиб борилди.

Жумладан, 2007 йилда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан жами 550,1 миллион йўловчи ташушди ва йўловчи ташуш иш ҳажми режаси 102,8 фоизга бажарилди. Шаҳар ичи йўналишларида ўтган йилга нисбатан 2,2 миллион йўловчи кўп ташушди. 2007 йилда уюшма бўйича 75,4 миллиард сўм даромад олинган бўлиб, белгиланган умумий даромадлар режаси 103,5 фоизгача бажарилди ва ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 36,1 фоизни ташуш этди.

Хусусий ташушчилар 100 тадан ошдиқ юридик мақомга эга бўлган ташушчиларга бирлаштирилди. Улар «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибига кирувчи автокорхоналар билан тузилган шартномалари асосида ўз транспорт воситаларини қатноволди техник қўриқдан ва ҳайдовчиларини тиббий қўриқдан ўтказмоқдалар. 2007 йилда маъзур хизматларни кўрсатишдан 49,76 миллион сўм даромад олинди, бу эса 2006 йилга нисбатан 28,03 миллион сўм кўпдир.

Ер усти транспорт (автобус, трамвай, троллейбус) корхоналари ва метрополитен томонидан қўшимча даромад олиш мақсадида 2006 йилнинг октябрий ойида «Тоштранскреклама» МЧЖ ташуш қилинди. 2007 йил давомида реклама фаолиятидан 440,0 миллион сўм даромад олинди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан «Транс Эко» илмий консалтинг маркази билан биргаликда Тошкент Автомобил йўллари институти, Давлат мулк қўмитасининг Илмий маркази ҳодимларини жалб этган ҳолда «Бозор ислохотларини барқарор ва чуқур ривожлантириш стратегияси, 2015 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳар йўловчи ташуш транспортини соҳасида хавфсиз ва зарар кўрмасдан ишлашни таъминлаш» йўналишида концепция ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги кунда маъзур концепциянинг 7 та бўлимидан 4 таси ишлаб чиқилди.

— Ҳаракат таркибларининг янгиланиш туриши, албатта унумли фаолият кўрсатишининг муҳим омилдир...

— Тўғри айтилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, 2007 йил давомида шаҳар йўловчи ташуш транспортини тарихида биринчи марта «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг ўз маблағлари ҳисобидан ҳаракат таркиблари паркинги янгиллаш босқичи бошланди. Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган 200 та «ISUZU» русумли, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган 10 та «Хундай» русумли автобуслар (8 та дизел ёнгиллиги ва 2 та зичланган табиий газ ёнгиллигида ишлайдиган) харид қилинди. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан 30 та трамвай вагонларини харид қилиш учун бюджетдан ташуш маблағлар ва даромадларнинг режадан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 7.482,0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда трамвай вагонларининг 10 таси келтирилди ва уларнинг 7 таси янгидан очилган 27-«Қорақамаш» — 1/2 — Шимолий вокзал» йўналишида ва 3 таси 25-«Зенит заводи» — Шимолий вокзал» йўналишида тасарруф этилмоқда. 2008 йил давомида қолган 20 та трамвай вагонларининг келтирилиши мўлжалланган.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ва шаҳар йўловчи ташуш транспортини ҳодимларига шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида 74 та автошоубекларнинг 13 таси янгидан қурилди, 8 таси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қолган шоубеклар жорий ва мўдасал таъмирланди, теварак-атрофлари ободонлаштирилди. 2008 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан Мирзо Улугбек туманидаги Хоразм қўчасида автошоубек қурилиши учун 140,0 миллион сўм ажратилди.

— Албатта, уюшма томонидан ижтимоий муҳофаза масалаларига ҳам тегишли эътибор қаратилаётган бўлса керак?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сонли «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»-ги Қарорига биноан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва Тошкент шаҳар автомобил транспортини ва йўл ҳўжўлиги ҳодимлари қасаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ҳодимларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича қўшма тадбирлар ишлаб чиқилди ва тўлиқ ҳажмда бажарилди.

Аслини айтганда, биз нафақат ўз ишчи-ҳодимларимизни, балки аҳолининг қўмак-муҳтож ва ногирон қисмининг ҳам ижтимоий муҳофазасига эътибор қаратамиз. Жумладан, қўнуқчиликда белгиланган айрим тоифадаги 37,4 минг нафар фуқароларнинг шаҳар транспортдан бепул фойдаланишлари таъминланди. 2007 йилда ўқувчилар, талабалар ва пенсионерларга 1 миллион 691 минг 323 дона ойлик йўл чипталари сотилиб, 23112,4 миллион сўмлик имтиёзли транспорт хизмати кўрсатилди.

Айни пайтда 256 нафар фахрийларимизнинг Бухоро, Самарқанд ва Хива каби қадимий шаҳарларга бепул саёҳатлари ташуш этилгани уларга кўрсатилаётган амалий

уюшмасининг маблағлари ҳисобидан 300 та «ISUZU» русумли мидибуслар, 200 та «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг бюджетдан ташуш маблағлари ҳисобидан 20 та трамвай харид қилиниши режалаштирилган. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг асосий режаларидан бири — бензин ёқилгисида ишлайдиган автобуслардан секин-аста халос бўлиш ва зичланган газ ва дизель ёқилгисида ишлайдиган автобус сонини қўпайтиришдир. Шунинг учун 2009 йилдан бошлаб ҳаракат таркибини режа асосида янгиллаш ва йўналишлар тизимини янада ривожлантириш мақсадида ҳар йили 150-200 донадан катта сийимдаги автобуслар, 200 дона ўрта ва кичик сийимдаги автобуслар ва 30 донадан трамвай вагонларини харид қилиш мўлжалланган.

Шунингдек, қўшимча йўловчилар оқими жалб қилишда уюшманинг 2008 йилдаги яна бир вазифаси — ҳаракатнинг оралиқ вақтини қамайтириш мақсадида йўналишлар тармоғини қайта қўриб чиқиш, такорланувчи йўналишларни бирлаштириш, эксплуатацион тезликини ва хизмат кўрсатиш маданиятини оширишдир.

Депутат билан мулоқот

РЕЖАЛИ АСОСДАГИ ФАОЛИЯТ САМАРАЛАРИ



ШАҲАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ БАМИСОЛИ ШУ ШАҲАРНИНГ ҚОН ТОМИРЛАРИГА ҚИЁСЛАШ МУМКИН. ЗЕРО, ОҚИЛОНА ТУЗИЛГАН ҲАРАКАТ ЖАДВАЛИ ОРҚАЛИ ШАҲАРНИНГ ҲАР БИР МАҲАЛЛАСИ, КЎЧАСИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИНИБ, АҲОЛИНИНГ УЗОғИ ЯҚИН ҚИЛИНАДИ, ЎЗ МАНЗИЛ-МАҚОМЛАРИГА ВАҚТИДА ВА БЕҲАТАР ЕТИБ ОЛИШЛАРИ ТАЪМИНЛАНАДИ. БИНОБАРИН, «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИДАГИ ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲАМ ЎЗ ИШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТОБОРА РИВОЖЛАНТИРИБ БОРАЁТГАН ВА ШАҲАР АҲОЛИСИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАН ТУЗИЛМА СИФАТИДА ТАВСИФЛАШИМИЗ МУМКИН. БУНИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАЛАРИДА ҲАМ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТГАН ЭДИЛАР.

БИЗНИНГ «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ РАИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ШОМУРОТ МУҲАМЕДЖАНОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ҲАМ КЕЙИНГИ ПАЙТДА ПОЙТАХТ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ЗАМОНАВИЙ АВТОУЛОВЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР, УЮШМАДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАСАЛАЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА КЕЧДИ.

эътиборнинг яна бир ифодасидир. Бу борада сўз кетганда айтиш мумкинки, масалан, биргина уюшма фахрийлари, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар ва ижтимоий ҳўжўлига муҳтож шахсларни соғломлаштириш, санаторий ва курортларда даволанишлари учун 23,5 миллион сўмлик 123 та имтиёзли йўлланма тарқатилди. Тармоқ ҳодимлари ва Оролбўйи минтақасида яшовчи оилалар фарзандларининг соғлигини тиклаш ва ёз ойларида уюшма оромгоҳларида дам олишларини таъминлаш учун фақат 2007 йилда қарийб 207 миллион сўмлик 3271 та йўлланма берилди. Ногирон, уруш қатнашчилари, ёлғизлар ва кам таъминланганларга моддий ёрдам, дори-дармон ва озиқ-овқат сотиб олишлари учун 238,7 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Бундан ташушари ҳўжўлиқ қўмағи сифатида маҳаллаларга, Меҳрибонлик уйларида 34,6 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Шаҳримиздаги бошқа корхона ва ташушчилар қатори, 2007 йилда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибига кирувчи 21 та корхонада 80 та касаначилик иш жойлари очилди, шундан 29 та аёл ва битта ногирон уйда ишлашга жалб этилди. Касаначилик билан шуғулланувчи ҳодимлар томонидан 6 993,6 минг сўмлик хизматлар кўрсатилди. Уюшма корхоналари томонидан касаначилик иш ўринларининг ташуш этилганлиги ҳисобига 1 108,0 минг сўм тежалди.

— 2008-2010 йилларда Тошкент шаҳрида йўловчи ташуш транспортини тизимини ривожлантиришнинг истисқобли йўналишлари бўйича ҳам кенг қўламли режаларни белгиланган экансизлар.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишида белгиланган устувор йўналишларни бажариш «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан 2008 йилдан ҳам давом эттирилиб, жумладан қуйидаги ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

2008 йилда «Тошшаҳартрансхизмат»

Юқорида қайд этилган режавий вазифаларнинг тўла ҳажмда бажарилиши 2008-2010 йилларда диспетчерлик бошқарув тизимини ҳамда йўл ҳўжўли тўлаш тизимини автоматлаштириш масаласини ҳал қилиш имкониятини яратди. Бу эса ўз навбатида ноишлаб чиқариш ҳаражатларини янада қамайтириш ва даромадларни ошириш имконини беради.

— Шомурот Шоходиевич, сиз шаҳар транспорт тизимини бошқаришдек масъулиятли вазифа билан бир қаторда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати сифатида ҳам жойларда сайловчилар билан учрашиб, имкон даражасида мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг ҳўжўлиқ онгини ошириш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқдасиз. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мен депутатлик фаолиятимни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан белгиланган халқ депутатларининг бурчи, вазифалари ва ҳўжўлиқ асосида тузилган доимий иш режам асосида олиб боряпман. Бу режа ўз қисмдан иборат бўлиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг фаолиятида қатнашиш, Кенгаш доимий комиссияларида ва сайловчилар билан ишлаш каби масалаларни ўз ичига олади.

Ана шу режага асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг барча сессияларида фаол қатнашди, сессия қарорларини тайёрлаш, сессия муҳофазасига киририлган масалалар бўйича тақдирлар кириштириш, қарорларнинг жойларда бажарилишини таъминлаш борасида иш юритдим. Худди шунингдек, Кенгаш доимий комиссияларининг тақдирланган иш режалари асосида фаолият олиб бордим.

Асосий депутатлик бурчимни сайловчилар билан ишлаш деб тушушган ҳолда бу соҳага алоҳида эътибор қаратдим. Чўноқни, сайловчилар ва уларнинг вакиллари билан йил давомида мунтазам учрашувларда қатнашдим. Учрашувларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иши тўғрисида фуқароларни мунтазам равишда хабар-

дор қилиш, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар ва қўнуқчилик ҳўжўжатларини, Президент Қарорларини сайловчиларга ўз вақтида етказиш, ислохотларнинг мазмун-моҳияти, мақсадини тушуштиришга ҳаракат қилдим. Бундай махсус учрашувлар йил давомида беш марта ташуш қилинди.

Мамлакатимизда қабул қилинган Қонунлар, Қарорларнинг жойларда бажарилишини ташуш этиш ва таъминлаш, туман ҳокимияти раҳбарияти билан биргаликда уларнинг мониторингларини ўтказиш жараёнларида қатнашдим ва бу соҳада меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда айрим фуқаролар гуруҳларининг фикрини ўрганиб, таҳлил қилдим ва тегишли давлат идораларига етказишга эришдим. Жумладан, «10-Бў» сайлов округи ҳудудидagi мактабларни ёзги ўқув йилига тайёрлаш масалаларида туман ҳокимияти ва ҳўжўлиқлар томонидан ажратиладиган маблағларнинг қўпайтирилиши учун зарур тадбирлар белгиланди.

Мен раҳбарлик қилаётган уюшма корхоналари томонидан 20 миллион сўмга яқин маблағ 148-мактабни капитал таъмирлашга, яна 3 миллион сўмлик маблағ тўртта мактабнинг моддий-техникавий базасини қўпайтириш ва етакчи ўқитувчиларини рағбатлантиришга ажратилди.

Бундан ташушари, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг Мирзо Улугбек тумани тиббиёт муассасаларида бажарилишининг мониторингини ўтказилиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди. 14-болалар касалхонасида болалар хирургияси биносининг қурилишини тезлаштириш мақсадида туман бюджети ҳисобидан қўшимча маблағ ажратилиб, бу соҳадаги ишлар ҳокимият органлари назоратига олинди. Уюшма ва Мирзо Улугбек тумани ҳудудида жойлашган корхоналаримизнинг бу ишга ҳўжўлиқ ёрдами сифатида 5 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Тиббиёт ҳодимлари билан учрашув ўтказиш арасида «10-Бў» сайлов округи ҳудудидagi 20-оилавий поликлиника ҳодимлари томонидан кам таъминланган оилалар аъзоларидан 2000 киши қўшимча тиббий қўриқдан ўтказилди.

Қўриқдан ўтказилган 300 та беморни даволаш учун дори-дармонлар бепул тарқатилди, 20 та беморга касалхоналарда даволанишлари учун бепул йўлланмалар ажратилди. Туман тиббиёт ҳодимларининг тарихий Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишлари учун уюшма ҳисобидан бепул автобус ажратилди.

«10-Бў» сайлов округи ҳудудидagi маҳаллаларда фаоллар, фахрийлар, хотин-қўзлар вакиллари билан олти марта дав-

ра суҳбати ва эркин мулоқот тарзида учрашувлар ўтказилди. Унда маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш, гузарлар барпо этиш, маҳаллани ободонлаштириш, йўловчиларга транспорт қатновида қўлайлиқлар яратиш масалалари батафсил ўрганилди. Натижанда, битта янги автобус бекати ўрнатилиб, базис автобуслар йўналишларида ўзгартиришлар киритилди, янги 80-автобус йўналиши бўйича «Мерседес-Бенц» русумли автобусларнинг қатнови ташуш қилинди.

17, 20, 51, 135, 180-йўналишлар бўйича ҳаракатланувчи маршрутли таксиларнинг сержатновлиги таъминланди, улар учун округдаги барча маҳалла фуқароларига қўлайлиқлар яратувчи янги шоҳбекат очилди.

Сайлов округи маҳаллаларидаги фахрийларнинг 50 кишидан иборат гуруҳи, ислохотларнинг жойлардаги тарғиботчилари бўлган 100 нафар фаол хотин-қўзлардан ташуш топган сайёҳлик гуруҳларига қадимий Самарқанд ва Бухоронинг осори-атикаларини зиёрат қилишлари учун «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар ажратилди ва тadbирларнинг амалга оширилишига қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Округ маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг ўқувчи фарзандларининг ёзги таътил пайтида дам олишлари учун уюшма оромгоҳларига 120 та бепул йўлланма берилди. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларда иш билан банд бўлмаган ёшлардан 20 таси уюшма корхоналарига ишга жойлаштирилди, уларга касб-ҳўнар эгаллашлари учун қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Бундан ташушари, депутат сифатида ўз фаолиятимни янада жадаллаштиришга, «Ёшлар йили»да ҳайдовчилар таркибини ва бошқариш тизими ҳодимларини ёшлартириш учун қўллаб ёшларни корхонамиз фаолиятига жалб қилишга бутун имкониятларни сарфлашга ҳаракат қиламан.

— Мазмунли суҳбат учун ташаққур. Ҳам раҳбарлик, ҳам депутатлик фаолиятингизда омадлар ёр бўлишига тилақдошимиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди

Анжуманлар

ИСЛОҲОТЛАР — ТАДБИРКОРЛАР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

КУНИ КЕЧА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА МИРЗО УЛУГБЕК ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА «ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАР ҲЎҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзЛиДеП Мирзо Улугбек туман Кенгаши раиси Б.Аҳмеджонов мамлакатимиз иқтисодини қўтариш, юрт фаровонлигини ошириш йўлида изланаётган тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, қабул қилинаётган қонун ва Қарорлар, олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида алоҳида фикр билдириб ўтди.

Шунингдек, давра суҳбатида «Партия электорати бўлган тадбиркорлар ҳўжўқларини ҳимоя қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг аҳамияти» мавзусида ЎзЛиДеП сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «ПГС» корхонаси директори П.Свешников, «Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази» нодавлат нотижорат ташушоти, унинг тузилиши ва келажак мақсадлари ҳақида» марказ раҳбари В.Котельникова ҳамда «Ижроия қўмита номига 2007 йил давомида тадбиркорлар томонидан келиб тушган ариза ва шикоятлар, билдирилган тақдир ҳама мулоҳазалар, шунингдек тадбиркорларнинг қўллаб-қувватлаш ва ҳўжўқли ҳимоялаш юзасидан амалга оширилган амалий ишларнинг таҳлили ва яқиний маълумотлари ҳақида» ЎзЛиДеП Мирзо Улугбек туман кенгаши расисининг биринчи ўринбосари Р.Маматқўловларнинг маърузалари эшитилди.

Туман партия кенгаши аъзолари, тадбиркорлар ва ёшлар иштирок этган давра суҳбатида билдирилган фикр ва мулоҳазалар юзасидан қизикarli савол-жавоблар бўлди ва қимматли тавсиялар берилди. Эътиборлиси, ЎзЛиДеПнинг дастури, мақсад ва вазифаларини пухта ўрганиб унга аъзо бўлишга аҳд қилган бир гуруҳ ёшларга тадбир давомида гувоҳномалар катта ишонч билан топширилди. Энди иш бошлаш оstonасида турган ёш тадбиркорлар ўзларини қизиктирган саволлар билан депутатларга мурожаат этиб керакли жавобларни олдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Иқтисодиёт

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИНГ ОРТИБ, ХАРИДОРЛАР САФИНИНГ КЕНГАЙИБ БОРИШИ КОРХОНА РИВОЖИДАН ДАРАК БЕРАДИ. АЛБАТТА, БУНГА ЎЗ-ЎЗИДАН ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ.

Бунинг учун тадбиркорлик билан изланиш, имкон топиш ва ундан самарали фойдаланиш лозим. Бектемир туманида бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Прогресс РСФ» хусусий корхонаси раҳбари Собиржон Раҳимов ҳам ана шундайлар сирасидан бўлиб, у «Ташаббус — 2006» қўрик-танловининг туман босқичи ғолибидир.

Ҳозирда корхонада тайёрланаётган тозалаш ва ювиш воситалари барча буюртмачиларга етказиб берилмоқда, савдо шоҳобчалари орқали харидорларга сотилмоқда.

Бугунги кунда корхона цехига ўрнатилган замонавий дастгоҳ ёрдамида 15 хилдан зиёд маҳсулот турлари ишлаб чиқарилиб, уларни тайёрлашда маҳаллий хом ашё қўлланилган. Шунингдек, маҳсулотларнинг талаблар даражасида қадокланмишига, сифатига, қўлланишдаги самарасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, корхонада тайёрланаётган «Анти-занг», «Полирол» сингари маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

— 2005 йилда 22 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, ўтган йилда ишлаб чиқариш ҳажминини икки баравардан зиёдга оширишга эришдик,— дейди корхона раҳбари Собиржон Раҳимов.— Жорий йилда эса янада эзгу ниятлар билан ишга киришдик. Режаларимиз сирасидан рақобатбардор оқартирувчи воситалар, канализация қувурларини тозаловчи ашёлар ҳамда соҳ ювишга мўлжалланган шампунлар тайёрлаш ўрин олган.

Айни кунларда тадбиркорлар ана шу режаларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бошлаб юборишди.

ЯНГИ ДАСТГОҲЛАР КЕЛТИРИЛАДИ

ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАБ, РАҚОБАТБАРДОШЛИгини ОШИРИШДА ЯНГИ ВА УНУМИ ДАСТГОҲЛАРНИНГ САМАРАСИ ЮҚОРИДИР. ШУ БОИС ҲАМ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ХОРИЖДАН АНА ШУНДАЙ ДАСТГОҲЛАР КЕЛТИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШАН.

Пойтахтимизда 2002 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Тошпайпоқ» масъулияти чекланган жамияти цехлари ҳам Россиядан келтирилган тўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, тадбиркорлар маҳсулот турларини янада қўпайтириш мақсадида хорижий фирмалардан ана янги дастгоҳлар келтиришни, ўз товарларининг кўриниши ва ўралишини яхшилаш имкониятига эга бўлишни кўзда тутишмоқда.


Корхонада болалар ва катталар учун пахта, жун ва сунъий илпардан пайпоқ ҳамда қўлқоплар ишлаб чиқарилади. Бу ерда меҳнат қилаётган 20 дан зиёд ишчи-хизматчилар учун яратилган меҳнат қилиш ва дам олиш шартлоари иш унумдорлиги юксалишида алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўтган қисқа давр ичида маҳсулотлар тури 20 хилга етди. Республика Қўроқли Кўчлари корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий буюртмачилари сирасидан бўлиб, уларнинг талаб ва тақдирлари инобатга олинди. Жорий йилда тадбиркор жамоа ахли янги дастгоҳлар асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, буюртмаларни тез ва сифатли аҳд этишни ният қилишган.

Шарофат БАХРОМОВА

«РИБИНСКОММПЛЕКС» МОЛИЯ-САНОАТ КОМПАНИЯСИ» ЁНИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ (РОССИЯ) ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАМКОРЛАРИГА ТЎЛИҚ ҲИҶОЗЛАНГАН ВАХТА ПОСЁЛКАЛАРИ, ГАЗПОРШЕНИ ВА ДИЗЕЛЬ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАР, МОДУЛЬ ҚОЗОНХОНАЛАР, СУВ ТАЙЁРЛАШ, МАИШИЙ-ҲЎЖАЛИК ЧИҚИНДИЛАРИ, САНОАТ ВА ТАРКИБИДА НЕФТ БЎЛГАН ОҚАВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ТИЗИМЛАРИ, ЕНГИЛ МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР, БЛОК-КОНТЕЙНЕРЛАР ҲАМДА БОШҚА КЎПЛАБ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТДИ.

УЙЛАР ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ҚУРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Россиянинг мамлакатимиздаги элчиюнини савдо ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташуш этган ушбу компаниянинг тақдимот маросимида республикамиздаги саноат ва кишолқ ҳўжўлиги корхоналари, тез барпо этиладиган қурилишга эътиёжманд қурилиш биришлалари раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирок этди.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

Кимнинг жойи бўлмаса, бутун шаҳар жойидир,
Дарвеш қайда тўхтаса, тунда шу саройидир.

Бино асосидан асли вайрондир,
Ҳўжанинг ташвиши нақши айвондир.

Кўринса кимнинг кўзига душман,
Ўлдирмас экан, ўзига душман!

Қамишга ўт қўйсанг, ёқиб қоч йирок,
Тўқайга ўт кетса, ёнар хўл-қурғок.

Ҳар қудуққа гар оби ҳайвон тўлур,
Ани топмак барчага осон бўлур.

Тани тупроқдаю, дил бўлса уйғок,
Тирик мурдадилдан ўша яхшироқ.

Ҳўкизлар гуноҳ қилса ҳар қачон,
Пода соҳиби тўлайди тоvon.

Ҳар бир тош бўлганда лаъли Бадахшон,
Лаъл ҳам тош каби бўларди арзон.

Сен чироқни кўролмасанг,
Чироқ билан на кўрасан?

Табибнинг ўз юзи бўлса заъфарон,
Қизил юзга ундан излама дармон.

Беодобга насиҳат,
Шўр ерга дон экмақдир.

Кимки бефойда умрин ўтказди,
Ҳеч нарса олмасдан олтин кетказди.

Севинма душманам олмиш деб ажал,
Бир куни сенга ҳам гал келади, гал.

Бирлашса чумоли иттифок бўлиб,
Арслон терисини олажақ шилиб.

Минбарнинг пойида турса ҳам эшак,
Тарбия юкмайди, бўлмайди одам.
Тарбия кўрмайин улғайса киши,
Эшак бўлиб қолур юзга кирса ҳам.

Ховончага дедим: «Додинг кўп баланд,
Айт, кимдан чекасан бунчалик фарёд?»
Деди: «Не тил билан айтай, эй Саъдий,
Зарбни ўз ёримдан ейман умрбод!»

Фақат хуш кўнгилдан изла яхшилик,
Тинчлик сармоясин изла аввало.
Суст қўлда тез қилич яраклай олмас,
Бузуқ дилдан чиқмас яхши сўз асло.

Тинчлик мулки эрур мевадор дарахт,
Мевасига айланг қаноат чандон.
Фақат бир мартаба тотар мевасин
Дарахтни илдиздан қуритган нодон.

Одам эрсанг, фақат яхшилик иста,
Сени фарқ этсинлар токи хайвондан.
Хайвондан сени ақл ажратиб турсин,
Йўқса, у қудратда зўр-қу инсондан!


Беадабликда агар машхур киши,
Хайр кутма ундан ортиқ сен ҳечам.
Сув агар ошса бошингдан — барибир:
Бир қаричми, найза бўйми, минг қадам.

Дарвеш қоқиб ўтса эшигинг бир бор,
Унга эшик кўпдир, сен емагил ғам.
Сенга «сир» айтганга ишонаверма,
Сенга айтган айтар бошқаларга ҳам.

Ақлли кўрса гар нодондан жафо,
Қаҳри оловланмас, дилга солмас ғам.
Арзон тош синдирса зар қосани гар,
Тош нархи ошмайди, олтин бўлмас кам.

Фойда бермас улкан аъзолар ҳечам,
Ақлсиз, хунарсиз бўлса гар одам.
Бизниқидан катта ҳўкиз кўзалари,
Узунроқдир эшак қулоқлари ҳам.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

«ЖАР» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА КУРАШ БЎЙИЧА
УЮШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ
ЁШЛАРИ ОРАСИДА УШБУ СПОРТ ТУРИГА БЎЛГАН ҚИЗКИШ ТОБОРА ОРТИБ
БОРАЁТГАНЛИГИНИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРГАН КУРАШ
КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ ЎРТАСИДА ОММАЛАШАЁТГАНЛИГИНИ ЯНА БИР ҚАРРА
ИСБОТЛАБ БЕРДИ.


Зеро, мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан келган 600 нафар полвонлар 15 вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Чемпионат давомида ўз вазн тоифаларида тошкентлик Яхё Иномов, самарқандлик Жасур Холмуродов, Гулрух Абдувосиева, сурхондарёлик Баҳодир Ганиевлар рақибларидан кўра маҳоратли эканликлари, кураш усуллари пухта ўзлаштириб олганликлари яққол исботлашди ва ғолибликни қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида эса пойтахт жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, самарқандликларга иккинчи ўрин nasib этди. Мухлисларда илиқ таассурот қолдирган Бухоро вилояти жамоаси учинчи ўрин билан қиёланди.

Маълумки, жорий йилда Туркияда ёшлар ўртасида кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Куни кеча «Жар» мажмуасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионати эса ёш полвонларимиз учун халқаро турнирлар олдида ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаганлиги табиий.

ЎЗА олган суратлар



Акбар ЙҮЛДОШЕВ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН
ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР, ТАНЛОВЛАР ВА
КЎРГАЗМАЛАР КЎПЧИЛИКНИНГ ЭЪТИБОРИНИ
ТОРТМОҚДА. АЙНИҚСА, 2008—ЁШЛАР ЙИЛИДА МАЗКҮР
ЖАМҒАРМА ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН
ИШЛАР САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА.

Жамғармалар фаолиятдан

ЕР САЙЁРАСИ ҲАҚИДА КЎРГАЗМА

Куни кеча Ёшлар йили ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 15 йиллиги муносабати билан жамғармада «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилиги жамғармаси ҳамда «Хотира хиёбони» жамғармаси ҳамкорлигида икtidорли рассом, собиқ Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси В.Захарскийнинг шахсий кўргазмаси ташкил қилинди. «Ер сайёраси ҳақида поэма» деб номланган мазкур кўргазмада рассомнинг натюрморт, пейзаж жанрларида ишланган 30 дан ортиқ энг сара асарлари намойиш этилди. Кўргазма кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилиги жамғармаси қошидаги ўқув марказида тасвирий санъат сирларини ўрганаётган ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма муаллифи Василий Захарский Украинада таваллуд топган бўлиб, Мехрибонлик уйида тарбияланган. Унда болалигиданок тасвирий санъатга меҳр уйғонган. Рассомнинг асарлари 1966 йилдан бери профессионал рассомлар кўргазмаларида намойиш этиб келинмоқда. У қатор халқаро кўргазмалар совриндори. 1976 йили Тошкентда қариндошини излаб топади ва шундан буён Ўзбекистонда истиқомат



қилиб келмоқда. Бугунги кунга келиб мўйқалам устасининг ижод коллекциясидан акварель этюдлари, гравюра, пейзаж ва бошқа жанрларга оид бир неча юздан ортиқ ишлар ўрин олган. Рассом кўнча кўргазмаларнинг доимий иштирокчиси, унинг ишлари бир неча бор халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Шунинг таъкидлаш кераки, рассомнинг ижоди билан турли даврларда Германия, Финляндия, Россия, АҚШ, Украина, Венгрия давлатларидаги тасвирий санъат иқлосмандлари танишиш имконига эга бўлдилар. В.Захарскийнинг бир қанча асарлари республикамиздаги Мехрибонлик уйларида тўхфа қилинган.

— Бундай кўргазмалар ҳар бир ижодкорга қанот бағишлайди, илҳом беради, яна янги асарларнинг яратилишига туртки бўлади, — деб таъкидлайди муаллиф. — Мазкур кўргазманинг Ёшлар йилида ўтказилиши мен учун жуда қувонарли, албатта.

Рассомнинг ижодини қузатар эканмиз, жонажон юртимиз, мафтунок табиятимизга бўлган меҳри унинг «Самарқанд», «Шохи Зинда», «Сирдарё», «Чорвоқ», «Уфқ» каби юзлаб ижод намуналарида яққол уфуриб туради. Украинада таваллуд топган рассом эндиликда ҳақиқий ўзбек ижодкорига айланди, десак муболаға бўлмайди.

— Ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, садоқат, чин ватанпарвар инсон қилиб тарбиялашда бу каби маданий тадбирларнинг аҳамияти беқиёсдир, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси Дилбар Алимжонова. — Шу боис жамғарма томонидан Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида «Камалак жилоси», мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида аънавий Республика расмлар кўрик-танловларини ўтказиб келмоқдамиз. Албатта, келгусида ёшларимиз орасида халқаро кўрик-танловларда иштирок этиб, юртимиз довуғини жаҳонга ёядиган мўйқалам усталари етишиб чиқишига ишонамиз.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: жамғармада ўтказилган тадбирдан лавҳа.
Наталья Семёнова олган сурат

Спорт янгиликлари

РАВШАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

ШАҲРИМИЗДА ШАХМАТ
БЎЙИЧА 16 ЁШГАЧА
БЎЛГАН ЎСМИРЛАР
ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН
ЎЗБЕКИСТОН
ЧЕМПИОНАТИ
ҲАМШАҲРИМИЗ РАВШАН
РАҲИМОВГА ОМАД
КЕЛТИРАДИ.

Гап шундаки, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 55 нафар ёш «ақл гимнастикаси» усталари орасидан сўнгги ўинчи турга қадар ғолибни аниқлашнинг имкони бўлмади. Сабаби, ҳар бир беллашув мurosасиз курашлар остида ўтди. Шуниси қизиқки, ўинчи турдан сўнг ҳамшаҳримиз Равшан Рахимов ва бухоролик Равшан Ҳамроевлар 7,5 тадан очко жамғариб ғолибликка асосий даъвогарлик қилишаётганди. Қўшимча кўрсаткичлар бўйича ғолибликни қўлга киритган бухоролик Равшан Ҳамроев жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўзбекистон чемпионатида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган ҳамшаҳримиз Равшан Рахимов эса Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

ШАҲРИМИЗДАГИ ФОТОГРАФИЯ УЙИДА ТОШКЕНТЛИК СУРАТКАШ-ДИЗАЙНЕР
АЛЕКСАНДРА СОКОЛОВСКАЯ ВА РОССИЯЛИК СЦЕНАРИЙЧИ АНАСТАСИЯ
КЕДРОВСКАЯЛАРНИНГ ШАРҚ ТАҚВИМИ БЎЙИЧА ЯНГИ ЙИЛНИНГ БОШЛАНИШИГА
БАҒИШЛАНГАН ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАРИНИНГ ФОТО КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Кўргазмага қўйилган ишлар плакатлар ва буклетлар кўринишида бўлиб, уларда ҳар бир ойда кишининг ҳолати қандай бўлиши кўрсатилган. Бунда борлиққа файласуфона ёндошган ҳолда юмор билан тайёрланган суратларни мухлислар катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда. Бу икки давлатда истиқомат қилувчи ёш, иктидорли

санъатсеварларнинг ижодий ҳамкорликда томошабинлар ҳуқмига ҳавола этган биринчи кўргазмасидир.

Бундай ижодий янгилик, ўйлашмики келгусида ҳар иккала сураткаш аёлга янгидан-янги илҳомбахш ғоялар бахш этади.

(Ўз муҳбиримиз)

ГИЁҲВАНДЛИК БАЛОСИ — ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД

БЕРЛИНДА «МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА НАРКОТИКЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ ВА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ГИЁҲВАНДЛИК МОДДАЛАРИ САВДОСИГА
ҚАРШИ КУРАШДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ» МАВЗУИДА ТАҚДИМОТ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонаси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда федерал ҳукумат, ҳуқуқ-тартибот идоралари, Бундестаг (парламент), таъки ишлар, ички ишлар ҳамда соғлиқни сақлаш вазирликлари, жиноят қидирув полицияси бошқармаси, божхона жиноят қидирув бошқармаси вакиллари, сиёсий жамғармалар ва тадбирот марказлари экспертлари, шунингдек, Германиядаги хорижий дипломатия корпуси ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори К.Дўсметов сўзга чиқди. Тадбир иштирокчилари эътиборига Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ҳар тарафлама чора-тадбирлар ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг асосий йўналишлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Тақдимот чоғида Марказий Осиёда наркотиклар билан боғлиқ вазиятнинг асосий жиҳатлари таъкидлангани ҳолда унинг сўнгги йилларда қорадори ҳосили ҳамда

Европа ва жаҳондаги бошқа минтақаларга наркотик моддалар контрабандаси қучайиб бораётган Афғонистондаги нотинчлик билан узвий боғлиқлиги қайд этилди.

Гиёҳвандлик моддалари муаммоси терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар билан бевосита алоқадорлиги таъкидланди. Ушбу йўналишда халқаро ҳамкорлики, жумладан трансмиллий жиноий гуруҳлар нарқохуружи хавфига бевосита юзма-юз келаётган Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни фаоллаштириш муҳим эканлигига меҳмонлар эътибори қаратилди.

Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан наркотик моддалар асосида содир этилаётган жиноятларга қарши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳуқуқ-тартиботида ҳам батафсил маълумот берилди. Фаолияти ҳукумат даражасида яқиндан мувофиқлаштирилаётган Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат ва минтақавий комиссиялар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази иши билан атроф-муҳит таништирилди.

Бўлиб ўтган тақдимот иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу борада ахборотларни «биринчи қўлдан», яъни минтақадаги мутахассис ва экспертлардан бевосита олингани уларнинг Марказий Осиёда гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ вазиятга оид тасаввурларини сезиларли даражада кенгайтиргани қайд этилди. Тадбир қатнашчилари наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Ўзбекистон ҳукумати томонидан қўрилаётган амалий чора-тадбирларга юсак баҳо берди.

Хусусан, Бундестаг эксперти А.Бургер қуйидагиларни қайд этди: «Ўтказилган тадбир Ўзбекистон наркотик моддалар таҳдидига қарши курашда Германия ва Европа Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорлики кенгайтиришга тайёр эканлиги намойиш этди. Биз учун Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Афғонистонда бевосита чегарадош бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорлики мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Бинобарин, Афғонистонда қорадори етиштириш суръати ўсиб бораётгани халқаро ҳамжамиятни жиддий хавотирга солмоқда».

«Жаҳон» АА
Берлин

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

15 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Мунажжидлар бизни хом ҳаёллар, хатоликларга йўл қўйишдан огоҳлантиришади. Куннинг рамзи «Фаввора», сув эса — узлуқсизлиқни ағлатгани учун аждодлар алоқаларининг узилмаслигига эътибор қилинган. Она томонингиздан сақланиб келаётган аънаваларни эсланг. Кўпроқ кундалик одатий машғулотларингиз билан шугулланганингиз маъқул.

Оқшомни оила давраида — болаларингиз билан бирга ўтказинг. Бу оилани ҳамда давом этиб келаётган яхши аънаваларни мустаҳкамлайди. Имкон қадар ўзингизни жисмоний зўриқтирмасликка ҳаракат қилинган.

Ўпка билан боғлиқ барча муолажалар, фавқуллода ҳолатлардан ташқари ҳолларда ўпка ва нафас йўлларида жарроҳлик операцияларини бажаришга шошмаслик маъқул. Нафас олиш қийинлашиб, ҳарсиллаш эҳтимоли бор. Қўл ва елкалар касалликларга мойил бўлиши қутилади. Қонни тозаловчи барча муолажалар ижобий натижа беради. Жигари даволаш ва дори қабул қилиш самарали бўлади.

Шу қўнларни асосан ёқимли ва енгил тушлар кўрасиз. Улар кўпроқ атрофдагилар билан муносабатларни яхшилашга қўмаклашувчи омилар ҳақида бўлиши қутилади.

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
4061 нусхада босилди.
Қўғоз бечими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-106

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563